

**FAN: “TUPROQ, O`SIMLIK, SUV  
BOG`LIQLIGI”**

**1- TAQDIMOT**

**MAVZU: “TUPROQ, O‘SIMLIK, SUV  
BOG‘LIQLIGI” FANIGA KIRISH”.**

**DOTS. KASIMBETOVA S. A.**

## **REJA:**

- 1. TO`SB fanining qishloq xo`jaligidagi ahamiati.**
- 2. O`zbekiston tuproq resurslari .**
- 3. O`zbekiston suv resurslari .**

## **Асосий адабиётлар**

- 1. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси”. Тошкент. Шарқ. 2008. -408 бет.**
- 2. Matyakubov B. Sh., Kasimbetova S.A., Bekmirzaev G. T. “Tuproq, o‘simlik, suv bog‘liqligi”. TIQXMMI. 2019j.**
- 3. Рахимбаев Ф.М., Хамидов М.Х. “Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси”. Ташкент. Меҳнат. 1996. -328 бет.**
- 4. Костяков А.Н. Основы мелиорация, М.: Сельхозгиз, 1960 г.-604 стр.**
- 5. Марков Е.С. Сельскохозяйственные гидротехнические мелиорации, М.: Колос, 1981 г. - 376 стр.**

## **Қўшимча адабиётлар**

- 1. Ерхов Н.С., Ильин Н.И., Мисенев В.С. Мелиорация земель, - М.: Агропромиздат, 1991. - 319 стр.**
- 2. Ирригация Узбекистана. I-IV томы.**

# **TO`SB fanining qishloq xo`jaligidagi ahamiati**

**Hozirgi kunda qishloq xo`jalik ekinlarini yetishtirishda tuproq -o`simlik - suv bog`liqligi asosiy masalalardan biri hisoblanadi. Dunyoning qishloq xo`jalik ekinlaridan yuqori hosil olishda suv bilan bir qatorda tuproqni holati ham inobatga olinishi katta ahamiyat kasb qiladi. Qishloq xo`jaligi bu masalani yechish jarayonining asosiy tarmog`i bo`lib hisoblanadi, chunki daryo va yer osti chuchuk suvlarining 70 % gacha oziq-ovqat va boshqa qishloq xo`jaligi mahsulotlarini yetishtirish uchun qishloq xo`jaligi tarmoqlari tomonidan sarflanadi.**

**O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev rahbarligida  
2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 5  
ta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha harakatlar strategiyasi ishlab  
chiqildi**

**Davlat va jamiyat qurilishi tizimini takomillashtirish ustuvor  
yo‘nalishlari;**

**Qonun ustuvorligini ta‘minlash va sud-huquq tizimini yanada isloh  
qilishning ustuvor yo‘nalishlari;**

**Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor  
yo‘nalishlari;**

**Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari;**

**Xavfsizlik, diniy bag‘rikenglik va millatlararo totuvlikni ta‘minlash  
hamda chuqur o‘ylangan, o‘zaro manfaatli va amaliy tashqi siyosat  
sohasidagi ustuvor yo‘nalishlar.**

**O‘zbekiston aholisi o‘shining yillik sur‘atlari 1,2-1,5 %-ga teng bo‘lmoqda. Buni e‘tiborga olsak, 2025 yil respublika aholisi 34,7 million odamga teng bo‘lishi kutilmoqda. Shu tufayli xo‘jalik va ichimlik maqsadlari, oziq ovqat va sanoat mollarini ishlab chiqarish uchun suv iste‘moli sezilarli oshib borishi aniq.**

**Orol dengizi qurishi natijasida yuzaga kelayotgan tabiiy sharoitlarning o‘zgarishi, umumiy iqlimning issiqlashishi hamda yaylov maydonlarning qisqarib ketishi hududlardagi aholi ana‘naviy xo‘jalik yuritish shakllarini yo‘qotishiga olib kelmoqda. Shuning uchun yerlardan dehqonchilik maqsadlarida foydalanish muhim ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatga ega.**

# **O‘zbekiston suv resurslari**

**O‘zbekistonda suv resurslarini boshqarish jarayoni, qishloq xo‘jaligi maqsadlarida suvlardan foydalanish usullarini takomillashtirish jadal sur‘atlarda amalga oshirilmoqda. Qishloq xo‘jaligini suvlar bilan ratsional ta‘minlashning asosiy yo‘nalishlariga dalalarga suv yetkazishning tejamkor tizimi, zamonaviy irrigatsiya usullaridan foydalanish imkoniyatlari va suv infrastrukturasini modernizatsiya qilish kabi masalalar kiradi. Iqlimning kutilmagan darajada isib ketishi natijasida O‘rta Osiyo asosiy suv arteriyalari bo‘lmish Amudaryo va Sirdaryolarning suv sathlarini sezilarli darajada tushib ketishi tufayli sug‘oriladigan dehqonchilik tizimni takomillashtirish dolzarbligi yanada oshib bormoqda.**

## **Сув, сувга оид фактлар:**

**- чучук сув захирасининг 70-90 фоизи ривожланаётган мамлакатларда экинларни етиштириш учун ишлатилади;**

**- кундалик эҳтиёжни қондириш учун аҳоли жон бошига кунига 50 литр сув керак;**

**- 1 кг гуруч етиштириш учун 3000 л сув зарур;**

**- ҳар бир инсон бир йилда ўртача 58 кг гуруч истеъмол қилади;**

**- бир буханка (400 грамм) нонга кетадиган унни етиштириш учун 550 л сув керак**

**- ривожланаётган мамлакатларда 100 грамм мол гўшти ишлаб чиқариш учун ўртача 1500 л сув ишлатилади;**



## **Ернинг сувли қобиғи - гидросфера**

Ер сиртининг океанлар ва денгизлар сувлари билан қопланган юзаси умумий ном билан **Дунё океани** деб аталади. У планетамизнинг сув қобиғи бўлган гидросферанинг ажралмас ва асосий қисмидир. Гидросфера Дунё океанидан ташқари қуруқликдаги дарёлар, кўллар, океанлар, денгизлар ва музликлардан, атмосферадаги сув буғидан, тупроқдаги намликдан, ва ер ости сувларидан ташкил топган. Дунё океани ер куррасини умумий майдонини (510 млн. кв. км) 361 млн.кв.км ни ёки 71%-ни эгаллаган, қуруқликлар юзаси эса 149 млн.кв км, ёки уни 29%-ни ташкил этилади. Қуриқликни барча ички сув хавзаларининг йиғинди майдони унинг умумий майдонининг 3 фоизадан камрогини, музликлар эса тахминан 10 фоизини ташкил этади.

**Xo‘jalik va ichimlik maqsadlari, oziq ovqat va sanoat mollarini ishlab chiqarish uchun suv iste‘moli sezilarli oshib borishi aniq. Orol dengizi qurishi natijasida yuzaga kelayotgan tabiiy sharoitlarning o‘zgarishi, umumiy iqlimning issiqlashishi hamda yaylov maydonlarning qisqarib ketishi hududlardagi aholi ana’naviy xo‘jalik yuritish shakllarini yo‘qotishiga olib kelmoqda. Shuning uchun yerlardan dehqonchilik maqsadlarida foydalanish muhim ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatga ega.**

## **Тупрок ресурслари**

**Ўзбекистон Республикасининг умумий майдони 44,74 млн га, шундан 31 млн га аграр соҳада фойдаланилади. Аммо, уларнинг асосий қисми (26,5 млн гектар) чўл-сахро (арид) минтақаларда жойлашган, унумдорлиги паст, сув билан кам таъминланган, интенсив деҳқончилик учун ноқулай ерлардан иборат. Шунинг учун улардан ҳозирда асосан маҳаллий яйлов сифатида фойдаланилади, ҳолос. 13,7 млн гектар майдон эса баланд тоғликлар, сувликлар билан банд бўлган ва бошқа шу каби деҳқончилик учун яроқсиз ерлар ҳисобланади.**

**Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларнинг 4,5 млн гектари ҳайдалма ерлар, шундан 4,3 млн гектари суғориладиган ерлар ҳисобланади ва мана шу майдонда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97%и етиштирилади.**

**Республикада ҳар бир кишига ўртача 0,17 гектар суғориладиган ер майдони тўғри келади. Бу кўрсаткич Канадада -1,84; Америкада - 0,79; Францияда - 0,32; Хитойда - 0,09; Японияда - 0,04 гектарни ташкил этади.**

➤ **Тупроқларнинг ўртача қалинлиги 18-20 см ни ташкил этади. Баъзи ҳудудларда 1,5-2,0 метргача етиши ҳам мумкин;**

➤ **Ўрта ҳисобда 1,5-2 см қалинликдаги тупроқ қатламининг ҳосил бўлиши учун 100 йил вақт зарур бўлади;**

➤ **Тупроқ унумдорлиги деб тупроқнинг ўсимлик ва организмларнинг оптимал яшаш шароитлари (озуқа элементлари, сув, илдизларини ҳаво ва иссиқлик) билан таъминлай олиш ҳусусиятига айтилади.**

# Тупрокнинг аҳамияти



- Инсон озиқ -овқат энергиясининг
- 88% тупрокдан
- 10% ўрмон ва ўтлоқлардан
- 2% денгиз маҳсулотларидан олади

**Эътиборингиз учун рахмат!**